

## Масжидга туфлаш гуноҳдир



19:30 / 30.05.2021 2501

لَا أَقَامَ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَلِ الْيَصِيَّبِ لِنَلَا عِنِّ ، عَنْهُ لَلِ يَضْرِبُ سَنَانًا نَع  
عَبْرًا لَلِ هَاوَرِ ، هُنْفَدَا هُتَرَا فَاكُ وَهِيَ طَخِ دِجْ سَمَلِ يَفُ قَا زُبَلِ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Масжидга туфлаш гуноҳдир, унинг каффорооти ювиш, кўмиш биландир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда масжиднинг тупроғига туфлаш ҳаром эканлиги ҳақида сўз бормоқда. Ким масжиднинг тупроғига туфласа, гуноҳ иш қилган бўлади. Бу гуноҳни ювиш ўша тупукни кўмиб қўйиш билан бўлади. Чунки у

нажас бўлмаса ҳам, одоб, ахлоқ, тозалик, соғликни сақлаш қоидаларига тўғри келмайди. Бундан масжидда умуман туфлаш мумкин эмаслиги маълум бўлади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**